

УШБУ СОНДА:

2-бет

•Шов-шув:

“Волга” ҳали ўрнидан кўзғалиб улгурмаган эдики, йўловчилар пичоқ ўқталиб ҳайдовчини орқа ўриндиққа ўтишига мажбур қилишди

•Шаҳарнинг “боши”

3-бет

•Ўғил болаларда учрайдиган касаллик

4-бет

•Меърож адаби:

... Бояги киши: “Мен товукнинг бир нарса еганини кўрганман, шул боисдан ҳам мен унинг гўшитидан ҳазар қиламан, товук гўшти эмасликка оғт ичганман!” — деди.

7-бет

•Одамхўр бўрининг қисмати

8-бет

•Моҳира Асадова:

“Мен ижро этган мумтоз кўшикларнинг мухлисларидан — ҳақиқий мухлисларимдан узр сўрайман. Мен ҳам замона зайлига қараб иш тутдим...”



Хушовоз хонанда Моҳира Асадова билан суҳбатни 8-саҳифада ўқийсиз

Кейинги
сонларда:

ОСМОНДАН... ФИЛ ЁҒДИ

БАХТЖОН ДИМЕТОВ

МАНҚУРТЛАНИШДАН ҲИМОЯЛАНИШ МУМКИНМИ?

МУҲИДДИН АРАБИЙ

ШАЙТОН БИЛАН САВОЛ-ЖАВОБ



Шов-шув

ЁМОННИНГ УЙИ
КУЙДИ

Пойтахтнинг Чилонзор туманида бўлиб ўтган ушбу воқеа анча шов-шувга сабаб бўлди. Ҳатто аҳоли орасида «боқинчилар машина ҳайдовчисини ўлдириб кетишибди», деган миш-мишлар ҳам тарқалди. Воқеа аслида бундай бўлганлиги.

Шу йилнинг 1 декабр куни, кеч соат ўн бир яримлар чамаси, икки номаълум шахс Халқлар Дўстлиги кўчасида («Чилонзор» метро бекатига яқин жойда) 2-автомобилга қарашли ГАЗ-24 машинасини тўхташиб, «манзилимизга элиб кўйинг» дея илтимос қилишди. «Волга» ҳали ўрнидан кўзгалиб ҳам улгурмаган эдики, йўловчилар пичоқ ўқталиб ҳайдовчинини орқа ўриндиққа ўтишга мажбур қилишди. Сўнгра машинани бири бошқара бошлади, иккинчиси эса ҳайдовчининг бикинига пичоқ тираб борарди.

Катта йўл бўйлаб юқори тезлик билан машина Ал-Хоразмий даҳаси томон бораётганида, 26-АЕҚШ (автомобилларга ениги кўйиш шахобчаси) ни кўриб, кўшпача ениги кўйиб олиш учун тўхтади. Шу асно, қулай пайт пойлаб келатган ҳайдовчи (1966 йилда туғилган З. Х.) ен-атрофда юрган одамларни ерданга қақирди. Ва кўпчилик ерданида боқинчилар қўлга олинди.

Улар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида яшовчилар, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1976 йилда туғилган С. Х. ва заргарлик заводи ишчиси, 1972 йилда туғилган Т. З. эканлиги маълум бўлди.

Ҳайдовчи ва жамоатчиликнинг вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида боқинчилар қабих режаларини амалга оширишга улгурмадилар. Ҳозирда ушбу жиноий иш юзасидан Чилонзор туман ички ишлар бошқармасида суриштирув ишлари олиб борилмоқда.


Турли миш-мишларга ўрин йўқ. Тартиб-бузарларни қилмишларига яраша жазо кутмоқда.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот
хизмати ходими



ҲАЁТНИНГ ИБТИДОСИ

ЎЗА СУРАТИ



бўлмасида ошиғи-олчи.

—Ўзингизни омадли одам ҳисоблай-сизми?

— Оила, рўзгор ишларида худого шукр, бировдан қолишмайман. Уйда ўтин тугаса ўтин қилишини мумкин. Ер чопишга тўғри келса бунисини ҳам уддалайман. Ўғилларим, қизларимнинг тарбиясига ҳам зийракроқман. Гоҳида хотинимни сал-пал тергаб тураман. Ингитнинг омади шундан ортиқча бўлиши мумкинми? Раҳбарлик томонидан гапирсам, халқнинг ишончини қозониш, уларни боқиб, бошқаришни ўзингиз тушунасиз керак. Мухими, садоқатли, илмли мутахассисларимиз кўп. Шу жиҳатдан юрт хизматидаги тожу-тахтимни ҳам ўзини учун улкан енгиллик деб ҳисоблайман.

— Кўрдим, томоша қилдим, бозорга кириб озинга савдолашдим ҳам. Оқтош шаҳри ва унинг одамлари, уларнинг ҳаёт тарзи хусусида маълум бир хулосага келдим. Бу борада сиз менга нималар дея olasиз?

— Аҳо-лимизнинг турмуш тарзи ҳам ёмон бўлмасе керак. Сабаби ўзимизда озик-овқат маҳсулотларининг анча-мунча тури тайёрланади. Бундан биров илгари кўп қиррали кичик корхона очдик. Унда асосан нон ва нон маҳсулотларининг ўндан ортиқ тури пиширилади. Ичимлик сувлари ишлаб чиқарамиз. Полиз маҳсулотлари етиштирялмиз. Булар албатта шахримиз аҳолиси учун арзон нархда сотилади.

Дарвоқе, шахримизда санъатни тушунадиганлар жуда кўп. «Зарбулоқ», «Рўзгон» сингари халқ этнографик ансамблларимиз мавжуд. Ҳаттоки 55-60 ёшли чол ва кампир-

лар ҳам ўз санъати билан қатнашади.

Мана шу икки ансамблимиз Республика миқёсидаги кўрикларда қатнашиб, яхши ўринларни эгаллаган. Қисқаси, «Наврўз» байрами арафасида келсангиз Оқтош тўғрисидаги тасаввурларингиз янада бойийди.

...Оқтош шаҳрида шахсан Усмон Шариповнинг ташаббуси билан ўқувчиларнинг мактаб-гимназияси ташкил этилди. Гимназияга қабул қилинганлар асосан, журналистика, тил ва адабиёт, санъатшунослик, ҳуқуқ ва замонавий электрон ҳисоблаш машиналари бўйича таҳсил олишмоқда. Яқинда шаҳар ўқитувчилари транспортда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлишди.

—Усмон ака, шкаффингизда чиройли футбол тўпи турибди. Бунинг сирини нимада?

—Ҳа, энди озроқ мактансам арзийди. Бу тўпни шахримиз командаси 1992 йилда Республика биринчилигида қатнашганлиги муносабати билан совға қилишганди.

—Ўзингиз шугулланган-мисиз?

— Армияда ким ҳам спорт билан шугулланмайди дейсиз?! Усмон акангиз бокс билан яқиний кўл «олишган». Беҳазил.

— Ҳозир шаҳарга ҳокимлик бўйича билан бирга ҳуқуқшунослик бўйича сирдан тавлим олаётган экансиз. Бунга нима ҳолат сездингиз?

— Ҳарбий унвоним майоргача етиб келди. Маъқул кўришса зобитликда ҳам ишлаб кетаверамиз. Ҳокимликни ҳеч биримизга бир умрлик қилиб боғлаб бермаган. Шу-

Етти кун

УЙ МУБОРАК

Андижон вилояти ҳокимлиги ҳам зиммасидаги хайрли юмушни адо этди. Ҳокимият Президент фармонида асосан ёш ижодкорларнинг бир қанчасини уй билан таъминлади. Янаям қувончлиси, Андижон вилояти бўйича мухбиримиз, ўзининг қизиқарли мақола ва сўхбатлари ҳамда мазмундор шеърлар билан номи сизга яхши таниш бўлган ёш шоир Наби Жалолдин ҳам бу тухфадан бенасиб қолмади. Мухбиримизга шаҳарнинг энг боҳаво жойидан уч хонали уй теғди.

ТЕРАКЛАР ЖОНИГА ОРО КИРДИ

Олтинсой туманининг тоғли гўшаларидан бирида бир сотувчи йигит катта камомадга тушиб қолди. Биласизки, одил қонунларга кўра давлат мулкдан камомадга йўл қўйган кишининг жазоси маълум. Аммо, қахрамонимиз вақти берида қариндош-уруғларидан, ошна-биродарларидан пул йиғиб, камомаднинг ўрнини бир амаллаб тўлдирди. Энди эса, халол-покиза пул билан қарзларини узмоқда. Қандай қилиб денг. Раҳматли отаси бундан 20 йил муқаддам боғларининг четига терак қадаб кетган экан. Шу теракларнинг ҳар бири ҳозир кучоққа сиғмайди. Қарздор теракларни пешма-пеш кесиб, тилдириб, бинойидек қилиб пулламоқда. Ҳаридорлар эса қутилганидан ҳам кўп.

ТЕАТРДА... ҲОСИЛ БАЙРАМИ

15 декабр куни Тошкентдаги машҳур «Ҳамза» театрига Бўка туманидан 800 га яқин меҳнаткаш ташриф буюрди. Вилоят ва туман ҳокимлари сўзга чиқиб, барча кишлоқ хўжалик маҳсулотларини режадан ошириб удалаганлари учун йиғилганларни қутладилар. Илгорлар мукофотли бўлишди. Ҳамза театри актёрлари, ҳамда таниқли хонандалар ва қизикчилар иштирокида белгилан кизиқарли томошалар барчага манзур бўлди.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ОШИҒИ ОЛЧИ

Ғаллаорол тумани мол бозорига қорамолларнинг нархи кескин ошди. Бир hafta бурун 800 сўм деб баҳоланган сигирлар галдаги бозорда бир ярим минг сўмдан сотилиб кетди.

ХАРИДОРЛАРНИНГ ХУРСАНДЧИЛИГИ
ЧЕКСИЗ

Яқинда бир жаноб Тошкентнинг машҳур «Тезиковка» бозоридан бутун бошли овчаркани атиги 500 сўмга харид қилганидан ўзида йўқ суюнди. Харидор шундай зотдор ит унга жудаям арзон тушганини таъкидламоқда.

«ИШБИЛАРМОН»ЛАР ҚОЧИБ ҚОЛИШДИ

Кейинги пайтда пахта ёғидан ноқонуний «бизнес» қилаётганларнинг бозори касодга учрай бошлади. Ўтган яқсанба куни ҳам Тошкентнинг Жанубий шохбекатида улар анча қимматга тушдилар. Милиция ходимлари ёғфурушларни шунанган чўчитибдики, «ишбилармонлар» ёғларни идиш-пидиш билан ташлаб қочиб қолдилар.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ
ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

нингдек, ўзим ҳуқуқшуносликка жуда қизиқман. Қолаверса, ҳар бир раҳбар қонунийлигини илдан-иғнасиғача билиб қўйса яхши бўлади. Бугунги шароит ва келажак ҳар биримиздан жуда катта билимга эга бўлишимизни талаб қилади.

Усмон ака билан сўхбатимиз тугагача шаҳар соғломлаштириш марказига ҳам кириб ўтдим. Кенг дала ўртасига жойлашган кўркам бино, атрофи тоза, баҳаво. Ичкарига кириб 4-5 бемор билан ҳол-аҳвол сўрашдим. Мухими, улар ҳеч нарсадан афсусланмади. «Бу ерда шароит яхши шу сабабли, билмадик, қўшни Хатирчи, Каттакўрғон, Нуробод, Иштихон туманларидан ҳам давонишга келадиганларнинг кети узилмайди» дея дадил фикр билдиришди улар.

Айтгандай, Усмон Шарипов ҳамда шу шаҳардаги дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводининг директори Қаршибой Ибодов Самарқанд вилояти Кенгашига депутатликка номзод экан, ҳоким Усмон Шарипов бу борада ҳам Оқтош шаҳрида қўлдан-қўл амалий ишлар қилмоқда. Қурилиш, савдо-сотиқ, маданият, мактаб ва маориф, жисмоний тарбия ва спорт, миллий дунёқарашни кенгайтириш борасида олиб бораётган ишлари бугунги кунда ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Шаҳар аҳолисининг аксарияти у кишининг хизматларидан мамун.

Сўхбатдош: Нормурод МУСОМОВ



Усмон Шарипов Оқтошда туғилиб ўсган. Аниш замонда шу шаҳарга «бош» (ҳоким) бўлиб турибди. Самарқанддаги Архитектура-қурилиш институтини тугаллаган. Рафиқаси Холбуев Шарипова ўрта мактабда математикадан дарс беради. Беш нафар фарзанди бор. Уч қиз, икки ўғил.

— Усмон ака мана сиз юртнинг хизматига расмий одамсиз. Шундан келиб чиққан ҳолда айтингчи, катта лавозимдаги раҳбарнинг бахти билан ҳеч қандай мансабда ўтирмаган оддий шахсининг бахти ўртасида ўзаро ўхшаш ва қарам-қарши жиҳатлар мавжудми?

— Аввало одам дунёга келдики, у келажакда ким бўлишидан қатъий назар яхши есам, яхши кийсам, яхши юрсам дейди. Четдан қараганда раҳбар одамнинг юриш-туриши бахтиероқ бўлиб кўринади. Аслидачи, лавозимни бахт аташ нотўғридир. Раҳбарликнинг ҳаммаша оғир ва енгил томонлари тенгма-тенг келади. Бироқ шуни борки, 30-40 йил меҳнат қилиб толган шухратинг битта хато ва салгина янглишмовчилик тўғрисида тиркираб кетиши мумкин. Бас шундай экан раҳбарликни тахтли курси, раҳбарни бахтли одам деб таърифлаш мумкин эмас.

Бахтли одамлар ҳаётда бутунлай бошқача бўлади. Уларнинг омади ҳаммаша юришгани-юришган. Қўлида улкан мансаби

ФАРЗАНДСИЗЛИК ДОГИДА КУЙМАГИН БОЛАМ...

Отам бир ривоят айтардилар: "Бир деҳкон фарзандини уйлантирибди. Кунлардан бир кун деҳкон: "Ўғлим, мана шу бир қоп бугдойни тозаласангиз. Кейин тегирмонда тортиб ун қилардик, — дебди. "Хўп, отажон", — деб, ўғил қопни орқалаб, ҳовлидан ташқарига чиқиб, ерга шолча тўшабдию, бугдойни шамолга сову-

бизга оқ фотиҳа бериб, яхши кўнгул билан рўзгоримизни бут қилиб айириб беришга ҳеч бир ижобий ҳисса кўшмагани майли-я, бунинг устига ғаламислик билан бир неча ўн йиллар давомида барқарорлашган иқтисодий алоқаларнинг тикланишига ҳам тўқсунлик қилмоқда. Мана шу шароитда бутун фикримиз, зикримиз, имкониятимизни ишга солиб, Ватанимиз бойлигига бойлик қўшишга ҳаракат қилмоғимиз шарт. Энди ҳар қанақа йўллар билан шахсий манфаатларимизни кўзлаб, бойлик орттиришни эмас, балки давлат хазинасига кўпроқ маблағ келтирадиган ишлар билан шуғулланмоғимиз, ундан сарф бўлаётган ҳар бир сўмнинг бекор кетмаслигини ўйлашимиз, яъни ҳар бир дона бугдойни ғалла хирмонига кўшмоғимиз лозим.

Табобатни ҳам "Боқиманда соҳа" дейилган тушунчадан озод қилиб, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантирувчи тармоқ эканлигини тан олмоғимиз ва шу нуқтаи назардан ҳаракат дастуримизни яратмоғимиз даркор. Табобатнинг имкониятлари кенг, ҳалқимиз равнақи йўлида хизмат қилиш кўлами катта. Келинг, юқорида айтилган гапларни оддий бир ҳол, яъни болаларда тез-тез учраб турадиган тугма норасоликлар: гипоспадия, эписпадия ва экстрофия касалликлари мисолида кўриб чиқайлик.

Гипоспадия норасолиги тугма, унда сийдик чиқариш тешиги одатдагидай олат бошида эмас, балки унинг тана-сида, ерқоқда еки оралиқда жойлаш-ди. Сийдик чиқариш тешигининг жой-лашган жойидан то олат бошигача тугма тортмоқлар бўлиб, уларнинг узунлиги йиллар ўтиши билан ҳам бир хиллигича қолаверади. Аммо олатнинг говак таналари ўсади. Натижада бола-нинг еши каттайган сари олат худди вергулга еки ўроққа ўхшаб, эгиллик қолади. Оқибатда, агар вақтида опера-ция қилинмаса, бу бола фарзандсиз-лик доғида бир умр куйиши еки жимо-га ярқисиз бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Демак, операция қилинмаса бўлмайди.

Ҳозирги пайтда Республикамызда бу норасолик уч босқичда барта-раф этилмоқда, яъни ҳар бир бола энг ка-мида уч марта тиг азобига дучор қилинмоқда.

Эписпадия норасолигида эса сий-дик чиқариш тешиги олатнинг тепа қисмида жойлашган бўлиб, унинг опера-цияси ҳам уч босқичда олиб борила-

ди.

Агар ҳар бир боланинг шифохонада бўлган вақти 15 кунга тенг бўлса, (аф-суски, ҳозирги пайтда бу мuddат 2, ҳатто 3 барабар кўпроқ бўлмоқда. Бунга сабаб болаларнинг кам қонлиги, рахит, гипотрофия ва х. к.), Тошкент Педиатрия медицина институти 2-Бо-лалар жарроҳлиги клиникаси ходим-лари томонидан гипоспадия норасоли-гини 3 босқичда эмас, балки бир босқичда операция қилиб барта-раф қилишни амалиётга жорий қилдилар. Бу операция усули ўзининг яхши ва афзал жиҳатларини амалда тас-диқлади. Операциядан кейин пайдо бўлган асорат 18,6 фоизга тенг бўлди. Бу ҳам дунё миқёсида яхши кўрсаткич.

Энди мана шу операция усули Ре-спублика миқёсида қўлланилса, қанча иқтисодий фойда бўлишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Масалан, кўпгина болалар операция қилинадилар. Улар-дан яна 138 нафари қайта операцияга дучор бўлади (асорат туфайли). Де-мак, ҳаммаса бўлиб, 903 марталик операцияга 13545 кун сарф бўлади. Бунга эса 1.303.706 сўм сарфланади. Бу харажат аввалгисига қараганда 2 млн. 9 минг сўм кам. Бир босқичли операцияда оналарнинг касаллик ва-ракаларига кетган харажат ҳам кама-яди. Хуллас, мабодо бир босқичли операция усули Республика миқёсида амалиётга жорий қилинса, бир йилда 2.077.300 сўм маблағ Республикамыз хазинасида қолган бўлар эди.

Эписпадия норасолиги болаларда кўп учрайди. Мана шу ҳисобга асосан, ҳар йили Республикамызда айрим бо-лалар эписпадия билан тугилади. Агар уларга ҳам шу институтнинг 1-Бола-лар жарроҳлиги клиникаси амалиётга жо-рий этган бир босқичли операция усу-ли қўлланса, бир йилда 369.312 сўм иқтисод қилинади.

Экстрофия норасолигида қовуқнинг олд девори бўлмай, унинг орқа девори ташқарига дўппайиб чиқиб қолади. Бу сифат боланинг туғилган заҳоти билинади, яъни қовуқ усти соҳасида қип-қизил ўса бўлиб, у ердан ҳар доим сийдик чиқиб етади. Бу норасолик кўпгина болаларда уч-

райди. Аксари ҳолларда улар 4-5 ҳатто 10-12 ешга тўлганларида операция учун олиб келинмоқдалар. Бу пайтда уларга жуда оғир операция усулини қўлашга тўғри келмоқда. Бу эса улар-ни бир умр ногиронликка олиб келиши мумкин. Ўзингиз ўйланг, уларнинг ҳаёти сақлаб қолинар, бироқ бир умр меҳр-муҳаббатга ва ногиронлик на-фақасига зор бўладилар. Республика-мызда шу норасолик билан ҳар йили қанчадан қанча бола тугилади.

Энди ушбу муаммонинг бошқа та-рафига қарайлик, Амриқо иқтисодчиларининг ҳисоб-китоблари-га қараганда, ҳар бир инсон ўзининг 25 йиллик меҳнат фаолиятида давлат-га 800 минг доллар соф фойда келти-ради. Мабодо экстрофия билан туғилган болалар кичик чилласи чиқмасдан туриб, операция қилинсалар борми, улар бир умр ноги-ронлик нафақаси олмасдан, балки умр бўйи завқ-шавқ билан меҳнат қиладилар. Улар ўз меҳнатлари даво-мида давлат хазинасига 20 млн доллар соф фойда келтиришлари мумкин бўлур эди.

Яна бир муҳим фактни алоҳида таъ-кидламоқ лозим. Гипоспадия ва эпи-спадия норасоликларида боланинг 6 ойлик пайтидан бошлаб операция қилиш йўлга қўйилди. Бу норасолик-ларни аниқлаш қийин эмас. Сийдик чиқариш каналининг тешиги ўз жойи-да, олат бошида бўлмади, тамом, уни албатта шифокорга кўрсатиш ва бунинг нега шундай эканлигини аниқламоқ зарур. Токи йиллар беҳуда ўтмасин. Бола эс-хушини йиғиб ол-масдан туриб, бу норасоликлар барта-раф этилса, бу энг аввало боланинг ўзи учун яхши бўлади, келажакда руҳий издан чиқишлар рўй бермайди, оила бузилишлари бўлмайди.

Ушбу айтилганлардан хулоса битта: илму фанни ривожлантириш, унинг энг сўнгги ютуқларини тезлик билан амалиётга жорий қилиш билан биз кел-ажакда миллион-миллион маб-лағларни иқтисод қилишимиз ва бу-нинг билан Республикамызнинг қудратли юксалишига ўз ҳиссамизни кўшмоғимиз мумкин.

Жуманазар БЕКНАЗАР



Ё. Хўжамбердиев сурати

риб, ҳас-чўп, тупроқдан тозалай бош-лабди. Қани, ўғлимнинг ишини бир кўрай деб деҳкон ўғлининг олдига келса, бугдойнинг қарийб ярми сочи-либ, тупроққа қоришиб ётибди. Ота жабди чикқанини билдирмасдан: "Ўғлим, бугдойни анча сочиб юбориб-сизми? Териб олсангиз ун ҳам кўпроқ бўлармиди...", — дебди. Шунда ўғли нима дебди денг: "Отажон, беш-олти-та бугдой донаси камайгани билан ун камайрмиди? Шунгаям шукр қилинг". Ота бу сўзларни эшитиб, бирон-бир жавоб қайтармай, уйига келибди. Орадан бир ой ўтгач, оқ фотиҳа бериб, ўғлининг рўзгорини ажратиб берибди.

Бир куни ота ўғлининг уйига бориб-ди. Ўғли бугдойни шунчалик ҳафсала билан тозалаётган эканки, ҳатто бир дона бугдой шолчадан ташқарига ту-шиб кетса ҳам эҳтиётлик билан уни ердан олиб, бир неча бор пуфлаб, туп-роқдан тозалаб, кейин оҳистагина хирмонга қўшаётганмиш. "Балли ўғлим, бу ишингиз аъло", дебди ота ва кўнгул тўлиб, уйига қайтибди.

Бир ярим асрга яқин давом этган ихтиёрсизликдан кейин Республика-мыз мустақиллик қадамларини шаҳдам ташламоқда. Қизил империя

Панжара

МАШИНА МИНГАН ТОЙ БОЛА

Самарқанд шаҳридаги "Беҳзод" кичик корхонаси директорининг уйи олдида қаровсиз қолдирилган "Москвич"ни номаълум шахс "суриб" кетди. Машинани ҳайдаб қочган тайлоқлик той болани ички ишлар ходимлари бир зумда то-пиб, машинани эгасига қайтардилар.

ТУНГИ ТАЛОНЧИЛИК

Жиззах шаҳридаги 68-АЁҚШ операторини босқинчилар кўрқитиб, тунда 3000 сўм пулини "шилиб" кетишган эди. Тезкор тад-бирлар натижасида Э. Олимжон давлат хўжалигида яшовчи 31 ёшли ақли расо йигит ушланди. Тергов давом этмоқда.

УЧ ОҒАЙНИ ҚОТИЛЛАР

Ҳамза тумани электр тармоғида ишчи бўлиб ишлаётган 28 ёшли йигитнинг умр чироеи сўнди. 19—20 ёшли уч йигит жанжал туфайли қалтаклаб юрагини уришдан тўхташиб қўйдилар. Лисунов мавзесида яшовчи уч йигитнинг иши терговга ошиб кетди. Энди улар уч оғайни ботир сифатида эмас, уч оғайни қотил сифатида қонуий олдида жавоб берадиган бўлишди.

Шухрат РЎЗИЕВ

Ўзбекистон ИИБ Матбуот маркази ходими

Билим ва амалиёти бўлган технология, доимо исломда кўп аҳамият берилган ва ташвиқ қилинган бир соҳадир. Бунинг исботи учун, ҳеч бир мусулмон олимнинг ўз кашфиёти еки илмий тушунчаси сабабли, христианликда ёхуд бошқа динларда бўлганлиги каби, гулханга ташланиб еки қийноқлар остида ўлдирилмаганлигини эслатиб ўтиш етарлидир.

Илм ва технология Исломга кўра, предметнинг ҳақиқийсини юзага чиқаришга, уни англаб етишга ёрдам қилади. Фақат зиёли одамнинг текширув ва илмий маърузаларини ўша эски қараш билан шарҳламаслик керак бўлган.

Илм ва технология инсониятга жуда фойдали эканлигини Куръонда ҳам, Пайгамбаримиз ҳадисларида ҳам чуқур кўрсатиб берилган. Ер ва коинот инсон учун яратилганлигини, у ерларда инсоннинг ўз ризиқни ахтариши тавсия қилинган. Худди шундай жонзотлар ҳам инсонга фойдали эканлиги аниқ айтилгандир. Олим ўз илми билан инсонларга доимо фойда келтиришни ўйлаши керак. Бунинг аниқ бир исботи: «Фойдасиз илмдан Худо асрасин» ҳадиси келтирилганлигидир. Шу билан

"ОЛЛОҲДАН ЭНГ КЎП ҚЎРҚАНЛАР ҲАҚИҚИЙ ОЛИМЛАРДИР"

бирга илмга амал қилмаган олимнинг, устида юк ташийдиган эшакка ўхшатирилганлиги ҳақидаги оят ҳам аниқ бир далил бўла олади.

Исломга кўра, илм ва технологиянинг энг сўнгги гоёси, инсониятни Оллоҳга олиб боришдир. Бетараф бир олимнинг, илми билан Оллоҳнинг борлиги ва бирлигини сеза олиши бир қанча ҳадис ва оятларда билвосита ва бевосита ишорат этилгандир.

Куръоннинг бир қанча оятларида, коинотдаги бирликнинг ҳаммаси Оллоҳнинг бирор "ояти" ва "ишорати" эканлигини аниқланмоқда. Буларни кўрган, улардаги сирни очган зиёли инсоннинг Оллоҳ борлигини ҳис қилиши, унга яқин бўлиши кўрсатмоқдадир. Ҳақиқий илм одами яратилишдаги нозик санъат ва сир-асрор олдида ўзининг ниҳоятда кучсиз ва заиф эканлигини англайди, Оллоҳга янада кўпроқ яқинлашади. Куръонда: "Оллоҳдан

энг кўп қўрққанлар ҳақиқий олимлардир", дейилиши ҳам шунинг учундир.

Бошқа тарафдан, Оллоҳ бир қанча оятларда инсонларнинг илмсиз бир шаклда ўзининг бирлиги ва борлиги ҳақида гапиришни манъ этади. "Одамлар орасида ўзи билмаган ва (Ҳақ йўлига) ҳидоят толмаган ҳолида, бирон нурли китобсиз (яъни аниқ ҳужжатсиз, тўғри йўлдан) бўйин товлаб, (ўзгаларни ҳам) Оллоҳ йўлидан оздириш учун Оллоҳ хусусида мужодала қиладиган кимсалар ҳам бордир" (Ҳаж. 8-оят).

Демакки, керак бўлса Оллоҳни билишда ёхуд унинг ҳақидаги тортишма ва инсонларни Исломга чақаришда илм шартдир.

Ота-боболаримиз тарихда, доимо инсоннинг моддий ва маънавий томони учун фойдали бўлган бир билми системасини ва ахлоқни ўртага қўйганлар. Бунинг натижасида би-

рор киши илмдан зиен кўрмаган. Билимга ахлоқ доираси ичидан қарашган. Атомнинг олов эканлигини, тузилишини билмаганлар, лекин уни инсониятнинг ер юзидаги "жаҳаннам" бўлишини юзага чиқаришни эмас, унинг (атом) билан Оллоҳнинг бирлигини исбот қилишмоқчи бўлишган.

Масалан: Мавлоно Жалолиддин Румий (ўлими 1273) етти юз йилларча аввал атомнинг тузилишини ва унинг бўлақларга бўлиниши мумкинлигини рамзий бир шаклда айтиб ўтгандир: "Агар бир атомни кесиб кўрасанг, ўртасида қуёш ва атрофида айланувчи сайераларни кўрасан". Яна бошқа турк олими ва сўфийси Довуд ул Қайсарий (ўлими 1350) атом ва табиатнинг энергия эканлигини айтгандир. Улар бу қарашлари билан модда ва коинотнинг яратилиши билан боғлиқ бир ҳақиқатни юзага чиқармоқчи бўлишган.

Хуллас, гоёмиз илм "эстафета"сида йўлбошчиликни қўлга оломоғи керак, уни ёмон мафкураларнинг қуроли ўлароқ қўлланишига йўл қўймастик лозим.

Туркчадан Довур ТУРОН таржимаси.
"Turkce ogreniyoruz" китобидан

ТОВУҚ ГЎШТИНИ ЭЙСАВИЗМИ?

Мактуб

Ҳурматли таҳририят!

Яқинда бир оғайнимиз товуқ гўшти аралашган овқат пиширган экан, дастурхонга тортиди. Орамизда бир мулла киши ҳам ўтир гандилар. Негадир у киши "товуқнинг гўшtidан пиширилган таомни емайман", дедилар. Ҳамма овқат ейишни бирдан тўхтатди. "Нега?" дедик. Бу ҳақда китобда айтилган, дедилар. Уй соҳибни ноқулай аҳволда қолди. Ростдан ҳам шундайми? Ахир шу пайтгача чўчка гўшти ҳақида гапирдилар, лекин, ҳеч ким товуқ гўштини ҳаром демаганди-ку. Шу саволга аниқлик киритсангиз.

Э.ЖУРАЕВ,

Самарқанд вилояти.

Товуқ гўшти ҳақида Куръони каримда чўчка гўшти каби таъқиқ бўлмасда, бундай кишилар ҳаётда учраб турадилар. Уларнинг далиллари шуки, "товуқлар гўнг титкилашади". Бу ҳақда охириги хулосани илмий диндорларимизга қолдирилиб, улуг ватандошимиз Имом Бухорийнинг "Ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ (ишонarli тўплам) китобларидан мисол келтириш билан чекландик.

ТОВУҚЛАР

(УЙ ПАРРАНДАЛАРИ)

ХУСУСИДА

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анху ривоят қиладилар: "Мен Расулуллоҳ салаллоху алайҳи васалламнинг товуқ (парранда) гўшти еятганларини кўрдим".

Зухдум (Заҳдам) ривоят қиладилар: "Биз Абу Мусо ал-Ашъарийнинг ҳузурда бўлдик. Биз бирлан Жарм қабиласига мансуб бу маҳалла аҳли ўртасида ака-укаларча муносабат мавжуд эрди. Ушанда Абу Мусо дастурхонга товуқ гўшtidан тайёрланган таом келтириб қўйди. Ўлтирганлар орасида бир афти-ангори қизғиш киши

ҳам бўлиб, у Абу Мусо келтирган таомга ҳадеганда қўл узатвермади. Шунда Абу Мусо: "Ол, егил! Мен жаноб Расулуллоҳнинг шундай таом еганларини кўрганман", — деди. Бояғи киши: "Мен товуқнинг бир нарсани еганини кўрганман, шул боисдан ҳам мен унинг гўшtidан ҳазар қиламан, товуқ гўштини емасликка онт ичганман! — деди. Абу Мусо: "Бери кел, мен сенга онт ичмоқ хусусида бир ҳадис айтиб берайин. Мен бир неча ашъорийлар билан бирга Жаноби Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб эрдим, қарасам, ул зот ғазабнок ҳолда ўлтирибдилару закотга берилган молларни тақсим қилаётирлар. Биз ул зотдан юк ортиб, минаиб кетишимиз учун улов сўрадик. Шунда ул зот улов бера олмасликларини айтиб, онт ичдилар-да: "Сизларни миндириб юборай десам, уловим йўқ!" — дедилар. Сўнг, жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига ўлжа олинган туяларни етаклаб келиб қолишди. Жаноб Расулуллоҳ бизга бешта оқ ўрқачли туя бердилар. Сўнг, биз унчалик узоқ юрмай тўхтадик, шунда мен ҳамроҳларимга: "Жаноб Расулуллоҳ боя онт ичганларини унутдилар. Оллоҳ талоо номи билан қасам ичманки, агар биз туфайли онт ичганларини унутган бўлсалар, энди сира ҳам омадимиз юришмагай!" — дедим. Кейин, биз ул зотнинг ҳузурларига қайтиб бориб" Ё Расулуллоҳ! Биз боя сиздан улов сўраб эдик, сиз онт ичиб, улов бера олмаслигинизни айтдингиз. Ақли заифлигимизча сиз онт ичганингизни унутган кўринасиз", — дедик. Ул зот: "Сизларни туяларга миндириб юрган (сизларга туяларни ато этган) Оллоҳ таолодур! Мен эрсам, иншо ол-

лоҳ, токи илгариги қасамимни каффрат бериб ҳалоллаб олмагунимга қадар, бошқа бир қасамни афзалроқ кўриб, қасам устига қасам ичмагман!" — дедилар.

Ҳадис онт ичишга тақалса-да, мақсад товуқ гўштининг истеъмоли ҳақида маълумот бериш эди.


Шунингдек, кўпчилик от гўшти ҳақида ҳам шундай фикрда. Улар от туёғининг ўртаси молники, қўйники каби айри эмаслигини айтиб, гўштини ҳам еб бўлмайди, дейдилар. Лекин, келинг бу саволга ҳам Имом Бухорий китобларидан ҳадис келтирамиз:

Асмо Розияллоху анху ривоят қиладилар: "Биз Расулуллоҳ салаллоху алайҳи васалламнинг даврларида от сўйиб, гўштини едик".

Жобир Ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ салаллоху алайҳи васаллам Хайбар ғазоти кунини эшак гўшти емоқдан қайтариб, от гўшти емоққа ижозат бердилар".

Ҳ. АБДУЛЛАХОНОВ

Е. ХЎЖАМБЕРДИЕВ сурати



ДОНИШМАНДЛАР БИСОТИДАН

Бир одам Жолинус ҳақимдан бир неча насихат истади. Ҳақим буюрди:

— Эсда тут! Асра! Ичингга ют!

Тупла! Маҳкам қил! Сақлан! Боғлан!

Беркит! Улуғла!

У одам эшитганларидан ажабланиди ва деди:

— Мен бу сўзлардан ҳеч нарса тушулмадим, очшқроқ гапир.

Жолинус ҳақим деди:

— Эсда тут ҳамиша ҳақни! Асра омонатни! Ичингга ют ғазабингни!

Маҳкам қил иродангни! Сақлан емонлар билан ўтиришдан! Боғлан яхшилар билан! Беркит одамлар камчилигини! Ет арзғўйлар арзига! Улуғла ёш-

лик чоғингда кексалик ажрини мукофот деб билиб!

Афлотун ҳақим айтди:

— Фарзандларингизнинг илм ва одобини ўзингизнинг илму одобингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, балки келгуси давр одамларидир.

Тупловчи: Мухайе САИДОВА Тошду филология факултети сиртки бўлим тоғлибаси

1. Жолинус ҳақим — (Гаген Клавдий, тахминан 131-201 й) қадимги рим врач, табиатшуноси, қадимги давр тиббонининг буюк намояндаси.
2. Афлотун — (Платон, миллдан аввалги 427-347 й. й.) қадимги юнон файласуфи

МАСЛАХАТЛАР

ОЁГИНГИЗНИ ИССИҚ ТУТИНГ

Инсон организмда энг нозик аъзолардан бири оёқдир. Чунки оёқдан совуқ ўтиши билан одам касал бўлади. Шунинг учун қишда оёқни иссиқ тутиш, қаттиқ совуқда қалин иссиқ пайпоқ билан кенгроқ (резина бўлмаган) ичи иссиқ пойабзал кийиб юринг.

Совуқ кунда юпка пайпоқда ёки пайпоқсиз юриш мумкин эмас. Бино ичи иссиқ бўлса пойабзални, ечиб қўйинг, акс ҳолда оёқ терлаб, кўчага чиққанда эса нам тортиб совқотади.

Оёқдан совуқ ўтишидан, юқори нафас йўллари пардасида нохуш реакция пайдо қилади. Бирдан қон томирлари торайиб, тўқималарда қон яхши юришмай қолади. Организм сушлашиб микроорганизмлар активлашиб юқори нафас йўллари ёки организмнинг бирор аъзоси касалга (ша-

моллайди) чалинади. Шунингдек ўпка, буйрак, жинсий аъзолар ҳам кўпинча оёқни иссиқ тутмасликдан шамоллайди.

Узоқ совуқда қолиб кетиш оқибатида оёқ панжаларини совуқ уриши мумкин. Бунда оёқ панжаси куруқшаб, териси қичишиб оғрийди. Агар шундай бўлса, оёғингиз совқотса безътибор бўлманг. Уйга келган заҳотиеқ албатта оёқни иссиқ сувга солиб ўтириш тавсия этилади. Бу муолажадан қон айланиш яхшиланиб шамоллаш олди олинади. Иссиқ сувга мойчечак (дамламаси) қўшсангиз янада яхши ердям беради.

ЛАБ ЁРИЛМАСЛИГИ УЧУН

Чекиш, аччиқ нарсаларни кўп ейиш, совуқдан лабнинг қизил (пардаси) ҳошияси тез ял-

лигланади. Ёки организмда А ва В витаминлар етишмаслигидан ҳам лаб ёрилай пўст ташлайди. Бунга ўз вақтида эътибор қилинмаса, оғир асоратларга олиб келиши мумкин.

Агар лаб шишиб, майда пўпакчалар ҳосил бўлиб, ёрилган жойлар чуқурлашса хейлит деган касалликдан дарак беради. Бунда дарҳол врачга мурожаат қилинг. Юқорида айтиб ўтилганидек энгилроқ кечса гоз мойи, гигиеник лаб бўёғи суртилади. Ва таркибиди А ва В витаминлар кўп бўладиган маҳсулотлар сарғ, сут-қатик, тухум, қора нон, петрушка ва ҳоказо маҳсулотлардан кўпроқ еб туриш керак.

ФЕВРАЗА

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР

Германиянинг гавжум жойлариди кўлида темир кўлча (кружка) тутган туршакдек кампирлару ёноклари қизил олмадек қизлар, мункилаган чоллару алп қоматли йигитчаларни кўплаб учратиш мумкин. Улар тиланчилар эмас, турли хайрия ташкилотларига хайрия йиғувчилардир. Бу, ўйлаб кўрса арзийдиган тажриба. Бу мамлакатда вақти-вақти билан ишлаб чиқаришнинг камайиши ҳам, ишсизликнинг кўпайиб кетиши ҳам аҳоли меҳр-мурувватига таъсир қилмайди. Аҳоли ва ташкилотларнинг кўнгилли хайрлари 1983 йилдан 1994 йилгача 3 миллиард маркадан 4, 1 миллиард маркагача ортган.

Германияда жами 2000 атрофида хайрия ташкилоти бор. Шулاردан 12 таси энг йирик бўлиб, йилига 50 миллион маркадан кўпроқ маблағ тўплашар экан.

АКСИРГАНИГА 140 МИНГ РУБЛ

Тула вилояти Кировск автотранспорт корхонаси йўловчи хоним И.га етказган маънавий зарари учун бир юз қирқ минг рубл товон тўлайдиган бўлди. Чунки хоним ушбу фирманинг автобусида манзилига етгунча шамоллаб қолган экан. Жабрдийда йўловчи корхонани судга берди ва ютиб чиқди. Бу ушбу хилдаги биринчи даъво экан. Автобус минаман деб шамоллаган йўловчилар эса ҳали кўп экан.

СЕЗГИСИ АЛДАДИ

Аргентина пойтахтидан 400 км узоқликда жойлашган Мардел-Плата номили денгизбўйи шахрда гиёхвандлик савдоси учига чикди. Бу ердаги номаълум мафия йўлбошчиси тартиб посбонларини назар-писанд қилмай қўйди. Наркобизнесга қарши курашувчи мутахассислар 29 марта махсус операция ўтказиб, машҳур оромгоҳ шахарда 35 йирик гиёхванд савдогарни қўлга олишди. Аргентинада нон таратган "Наркос" гангстерлик "оиласи" бошлиги ҳам ушланди. Қизиги, у болаликдан мутлақо кўзи ожиз экан.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК МАНБАИ

Нарх-наво ихтиёрига қўйиб юборилгандан кейин Воронеж озиқ-овқат магазинларида махсулотлар мўл-кўл бўлиб қолган эди. Энди эса одамлар яна сут, сарғ, тухум, сир каби озиқ-овқатларга узун қуйруқ бўлишиб навбатга туришмоқда. Вилоят маъмурлари яна талон жорий қилишди. Унга кўра, ҳар бир еярман ойига 200 грамм сарғ, ярим литр ўсимлик ёғи, 1,5 килограмм шакарни белгиланган нархда олиши мумкин. Нон махсулотлари, ёрма, макарон ва тухум хариди ҳам меъёрлаштирилди.

Худлас, мўл-кўлчилик манбаи меҳнат экан.

ХОРИЖИЙ МАТБУЎТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНГАН

Ҳой, Ўзбекистоннинг кулгисевар фуқаролари!

Йил-ўн-икки ой хонадонингизда тинчлик ва хушчақчақлик, бардамлик ва баркамоллик, хуш кайфият ҳукмрон бўлишини истасангиз, сеvimли журналингиз

“МУШТУМ”га обуна бўлинг.

Халқимизнинг “Бир бор култи кирган уйга қирқ кун қайту йўламайди” деган ақидаасига амал қилган “Муштум” ҳар ойда бир марта ўзининг ичак узди кулгисию қаҳқаҳаси билан хонадонингизга ташриф буюриб, қувончингизга қувонч қўшади.

“МУШТУМ” бундан кейин ҳам ўз анъаналарига содиқ қолади.

Обуна баҳоси 64 сўму 80 тийин.
Индекс — 75322

Дилдан яйраб қулган кишининг иши ҳамиша “беш”, кўнгли тоғ қадар юксак бўлишини унутманг!

Сизга катта бойлик ваъда қилолмаймиз.

Аммо, лекин-йил-ўн икки ой кайфиятингиз аъло даражада бўлишига кафолат берамиз.

Эслатиб ўтамиз: обуна бўлиш мuddати

1995 йил 1 январгача узайтирилди.
МУШТУМ—95



Р. АЛБЕКОВ сурати

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Синглимиз ЭРГАШЕВА

Зулфияхон ХУРСАНАЛИ қизи! Биз сизни 7 январ тугилган кунинг билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, бахт, соғлиқ, кейинги ўқини ва ишларингизда омад тилаб қолувчи, акаларингиз НУРАЛИ, МУҲАММАДРИЗО ва ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ.

Суюкли синглимиз НАРГИЗА!

Биз сени 27 декабрь тугилган кунинг билан муборакбод этамиз. Сенга туганмас сеvimч, боқий умр тилаймиз. Ҳаётинг серзағ, келажакинг порлоқ бўлсин.

Акаларинг БАҲОДИР, ШАВҚИДДИН, опачанг ГУЛНОЗА Челақ тумани

Хурматли акам ИКРОМЖОН ва янгам МАЛОҲАТХОН!

Сизларни ҳаётингиздаги энг улғуш оидиена кун никоҳ тўйларингиз билан табриклайман. Орзулар огушида бахтингиз эрка фарзандлари бўлиб қўша қарингизлар.

Укангиз Ақром ОМОНОВ, Тошкент Молия институти толиби

Хурматли азиз ва меҳрибон ПАДАРИ БУЗРУКВОРИМИЗ!

Сизни таваллуд топангиздаги энг улғуш оидиена кунингиз билан чин



Зимда бўлсин. Деб азиз ОНАЖОНИМИЗ ва ФАРЗАНДАРИНИНГ.

қалбимиздан муборакбод этамиз. Оллоҳдан Сизга узоқ умр ва бизларнинг бахтимизга сиҳат-саломат юришингизни тилаймиз. Доимо Сизга нибатан фарзандларингиз, неварра, келинларингиз қўли кўксиди, боши таъзимдан сўраб қолувчи, ДУСТАРИНИНГ. 3-Автокомбинатинг 3-колоннаси йигитлари



гандан сўраб қолувчи, ДУСТАРИНИНГ. 3-Автокомбинатинг 3-колоннаси йигитлари

Хурматли ШАВКАТЖОН!
Биз сени таваллуд кунинг билан табриклаймиз. Сенга соғлиқ ва бахт-иқбол ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Муродингизга ст. Фарзандларингизга камолини кўришингизни яратгандан сўраб қолувчи, ДУСТАРИНИНГ. 3-Автокомбинатинг 3-колоннаси йигитлари

Жиянимиз АБДУСАТТОРБЕК!

Сени 31 декабрь тугилган кунинг билан қутлаймиз. Доимо соғ-саломат юринг. Эртанг порлоқ, баркамол фарзанд бўлиб улғайсин. Дундаеи барча эзгу тилақлар сен билан бўлсин.

Тоғаларинг НУРАЛИ ва МУҲАММАДРИЗО Фаргона вилояти, Раққон қишлоғи

Сеvimкли рафиқам ШАРОФАТХОН!

1 январ муборак таваллуд топангиз кунингиз билан қутлайман. Ҳамиша соғ-саломат юринг. Хонадонимизга бахт, омонлик, тинчлик хуш кайфият сизнинг ила умрбод ҳамроҳ бўлсин. Илоҳ, қўша қариб фарзандларингиз фароғатини кўриб юрайлик.



Умр йўлдошингиз МАҲМАДИЕР НОРКУЛОВ.

Қашқадаре вилояти, Қамали тумани Оқузар қишлоғи

Қизимиз НИГОРАХОН!

Сени яқин кунларда нишонландиган тугилган кунинг билан дилдан табриклаймиз. Ҳаётинг нурга, хонадонинг қувончга тўлишини тилаймиз.

Оила-аъзоларимиз номидан ОНАНГ НУРИ

Оила

34 ЁШДА

Бухоро вилоятида яшайман. Турмушга чиқмаганман, камтарин, олий маълумотли, болаларни жону дилидан севаман, очик кўнгилман, касбим ўқитувчи. Болажон, ростгўй, меҳнатсевар 34-40 ёш атрофида бўлган (2-3 боласи бўлса ҳам майли) эркак киши билан танишиб оила куриб тинч-тотув яшашни истайман “Оила-388”.

40 ЁШДА

Тошкентлик, бандан бўй, келишган, соғлом-бақувват, олий маълумотли йигит. Уй-жой ва иқтисодий томондан яхши таъминланган, меҳр-оқибатли. Турмушга чиқмаган оқила, меҳрибон, ораста қиз билан танишиб мустаҳкам оила куриш ниятида “Оила-389”.

«Оила ва жамият» 49 [172]



Умида
АБДУАЗИМОВА

Яхши
кўришимни
яшириб,
Яшмоқ бас,
қадрим ошириб.
Е м о н
кўрганганини
яшириб,
Яшмоқ бас,
дардим ошириб.
Яшайман тик,
Билмасдан
ҳадик,

Гумонларга ўзни топшириб!
Ким севгисин юракдан туйган,
Ўша бахтли, ўшадир суйган!
Елдек келиб, селдек кет деган
Дуолардан митти жон туйган.
Умрим узун, қисқадир йўлим,
Елғонга ён берган дам-ўлим!
Ким севгисин юракдан туйган,
Ўша бахтли,
Ўшадир суйган!

Елғиз аёлнинг бир туни
Минг бир тулли хаёлдир.
Гарчанд елғиз қилган уни
Бошқа елғиз аёлдир.
Худойим бу елғизларга
Қачон бахт ато қилгай?
Сабру бардош ёзғирларда
Бунча кўп хато қилгай?
Елғиз аёл, елғиз аёл...
Ақлу ҳусн камолоти.
Тупроғи ҳам енгил хиёл,
Гарчанд кенгдир хаёлотини.
Елғиз экан номи унинг,
Бунча хунук унинг оти!
Елғизларга куну туннинг
Таъна тоши, маломати.
Ҳар фаслнинг ўз қўшиғи,
Ҳар даврнинг бор ўз юки.
То кузгача ғамгин баҳор
қолмас кўз ешларин юқи.
Чунки қуёш шод айланаб,
Кўкда кезиб юрибди.
Кемтигинг тўлар ой бўлиб,
Кўнглим сезиб турибди.

МЕН КЕТАЯПМАН...

Мен кетаяман, кетаяман кўрқиб,
Қайта қайтмаслигимни ўйлаб,
Чақчақлашган қушлардек ҳуркиб,
Қайта баҳор қайтар,-деб сўйлаб.
Хаёлимда учиб ҳам кўниб,
Мен кетаяман, кетаяман хафа.
Бу дунёнинг феълига кўниб,
Ошиқларга йўқ дея вафо.
Қорлар ёғар, излар босилар,
Гуллар тарар ифорларини.
Тиклар тақдир аро розилар
Одабийлик деворларини...
Мен кетаяман, кетаяман кўрқиб,
Қайта қайтмаслигимни ўйлаб,
Чақчақлашган қушлардек ҳуркиб,
Қайта баҳор қайтар,-деб сўйлаб.

ЮРАК

Тушуниксиз тушкин кайфият,
Ўлдирди мени дамо-дам.
Англаб етмай софми, бадният-
Сўлдиришин қилар намоён.
Дод деворгим келади баъзан,
Истиҳола бўғар бўғзимни.
Кулиб туриб йўлади сазам,
Илғамоқдан тийгим ўзимни.
Менинг бағрим кенгу торлигин
Бир ўзингга сиғдира олган,
Бу ёғига йўғу борлигим-
Дейман, Юрак, бир сенда қолган!...

Абдулла МҮМИН

АЗИЗИМ

Кўнгил мулкига Султон сан азизим,
Таним узра ширин жон сан азизим,
Кўзимга нури тобон сан азизим,
Тулин ойим-нурафшон сан азизим,
Гўзалсан, пок инсонсан азизим.
Лабингда хуш табассум жонга роҳат,
Юзинг сарчамай хусну малоҳат,
Хумор кўз ишваси меҳру шафоат,
Кел энди этгали сайру саҳат,
Даме бўл менга сан азизим.
Жудолик дарди жондан кетмас энди,
Бу гусса бир жароҳат, битмас энди,
Фироқ ўтида куйдирма бас энди,
Ситам чекмакка тоқат етмас энди
Ҳамма дардимга дармон сан азизим.
Адолат кўкида сайера бўлгин,
Тақалумда ширин гуфторга бўлгин,
Вафодору илиқ наззора бўлгин,
Ғамингда энди Нахлий, чора бўлгин,
Ҳаётим, давру даврон сан азизим.

Тўра ЖУМАН

ОШКОР ҚИЛДИ ДАРДИМНИ

Ошкор қилди дардимни севги рубобим тори,
Маълум бўлди дилбарга юрагимнинг изҳори.
Ишқим ошкор айласам, шод бўлг айми,
дегандим,
Аввалгидан баландлаб кетди унинг виқори.
Билолмадим, нега ҳеч парво қилмади менга,
Балки бордир ўзга бир танлаб олган шунқори.
Кимга омад келтириб, кимни қилиб омадсиз,
Бир мушкул савдо экан муҳаббатнинг бозори.
Кўнаймасдан севинчим, бори ҳам тез йўқолди,
Бир ҳол қилди рангимни, дўстлар, ишқнинг
озори.
Чиқмаган жондан умид деган гап бор, эй Тўра,
Кўнгил узмай, ҳали ҳам мен унинг талабгори.

Нилуфар ТОЛИБ қизи

ПОКЛАР КЕЧАСИ

Тун. Оппоқ тун.
Осмон ҳам оппоқ,
Ерга тушган
оппоқ юлдузлар.
Ухламоқда ўликдек
бу чоқ
Қора қалбли
чиройли кўзлар.
Даре оппоқ,
нилуфар оппоқ,
Секин-секин
куйлайди шамол.



Шивирлайди оқар сув юмшоқ,
Оқ кечада ой билан висол.
Тикилмаган учбурчак тумор,
Дард-аламни езмайди қалам.
Йиғламайди беркиниб баҳор
Чунки йўқдир бу ерда одам.

Яна тунга ошнодир қалбим,
Яна сирдош кўкда юлдузлар.
“У ҳам бедор“, пичирлар лабим,
“Шундаймикан“ деб сўрар кўзлар.
Не қилайин бемадор туйғу,
Олиб кўйди ҳаловатимни.
Не қилайин, у бехабар-ку,
Айтолмасман муҳаббатимни.
Юрак — иқрор, кўн гил — интизор,
Ҳаётим ҳам уники гўё.
Йўқ, қилмасман, қилолман изҳор,
Барчасидан устундир ҳаё.
Ишқдан ҳам устун...

Каромат
ДУСТМАТОВА

Сенсиз яшаб
ўтдим буткул
бемурод,
Менсиз яшаб
ўтдим мискин,
потаён.



Кўнглингнинг ватани йўқ эрур

ҳаргиз,

Кўнгил қайга бориб, қайда

берур жон?

Само чексиз эрур, замин ҳам чексиз,
Демак чексиз эрур соғинч ва ҳижрон.

Ернинг этагига кўмилди енгим-

Ернинг этагида кўкарди Армон?

Гарчи, сен борлиқсан, мен эса осмон,

Кафтимда ниҳондир ойнинг

истмати.

На бору йўқликка қараб кетаяпмиз

Бир уюм тупроқдир ўтмиш қисмати.

Сизни кўнглим кўчасидаги

Ёғдуларга сўзлагим келар,

Сизни юрак қафасидаги

Қайғуларга менгагим келар.

Сиздан кечиб кетмасан зинҳор,

Кечиб мумкин тундан ва кундан

Хаёлимни ипсиз боғлайсиз-

Орда қолиб кетдим бугундан.

Нигоҳингиз сояси тушган

Чеҳрам узра қарай олмайсиз.

Йўлингизда мағрур дарахтман,

Нега шохим қайролмайсиз?!
Мен, эй, сиздан жуда олисда

Кўраяпман шундоқ ширин туш.

Иккимизни кўтариб учар

Уримда ҳеч кўрмаган Ҳаққуш.

Диловар дўст дийдорингга юракдан
номалар ездим

Нурафшон кулбанг ичраким, сўнгисиз

шукроналар ездим.

Офтобинг шуъласи тушди, шўху

мастоналар ездим.

Дилимнинг торлари таранг,

бошимда бошланур савдо,

Савдолар сафоси ичра ўтлиғ

гулхоналар ездим.

Инсон кўнгли олис чўққи, ет

олмай йўлда ҳайронман,

Меҳр-шавқат шевасида ажиб

ҳангомалар ездим.

Ҳақдин бир тилак етди-муродим

оти шай келди

Каромат кўз нури тўкти-неча

паймоналар ездим.

Ургут тоғли туман. Жанубидан Қашқадарё заминига, шарқдан Тожикистонга уланиб кетувчи сарҳадсиз тоғларда ханузгача одам оёғи етмаган худудлар бор. Ҳали-ҳали киш кириши билан туманининг қўшлаб кишлоқларига бўри оралайди. Эсимда, 1984 йил айна киш чилласида кечки гира-шира маҳали файзободлик бир одам уйимизга ховлиқиб кириб келган эди. Боёқнинг айтишича, Янгияриқ каналдан ўтиб икки кишлоқ орасидан бироз юриши биланок рўпарасидан кўзлари ўтдек, қулоқлари диккайган, итдан каттарок махлук чикиб, уни таъкиб қила бошлаган. Махлук ҳар яқинлашганида гугурт ёқиб отиб, шу тариха уйимизгача етиб келишга муяссар бўлган.

Аммо яқин йиллар ичида бу худудларда одамга бўри ҳамла қилганини эшитганим йўқ. Шунга қарамай уруш-йиллари бу жойларда кўк-яшил елли улкан одамхўр бўри пайдо бўлиб жуда кўп одамнинг жонига зомин бўлгани ҳақида кишлоқнинг кўпгина мўйсафидлари ҳикоя қилиб беришади.

“Мехнат ҳам қўша-қўша, давлат ҳам “қўша-қўша” деганларидек, турфа балолар санги остида эзилган халқнинг бошига шу етмай турган эди. Урушнинг дастлабки кунлариданок, оч бўридек ҳаракат қилган фашист кузгунларига ҳамдам-у ҳамжинс бўлиб кишлоқларда бўри изғий бошлади. Кузда эшак ва қўйларни тортиб кетиш билан каноатланиб юрган махлук декабр ойининг 16-сига ўтар кечаси ўзининг инсон жинсидан бўлган дастлабки қурбонини танлади. Эри урушга кетган жарқишлоқлик Рўқия холянинг тўнғич ўғли 13 яшар Аҳмад езилиш учун кечаси эшикдан чиққан заҳотиёк томоғига бир жондор бало-қазодек епишди. Бола жон талвасасида тиपर्чиллади, аммо бир неча сониядаёқ кўз олди қоронғилашиб, тиёчиб қолди. Бўғиқ хириллаши эшитган она югуриб чикиб, ўғлининг қорға топталган телпаги, ҳамда қон изларини кўрди, гайринсоний овозда чинқирганча қон сачраган излар бўйлаб, йиқилиб-суринганича

чоғиб кетди. Деярли ҳар кун илғи-сиги эшитавериб зада бўлиб қолган кишлоқ ахли бир неча дақиқадаёқ машғум ҳодиса рўй берган жойга йигилишди. Егаётган қалин қор пардасини ёриб, фону с кўтарган 76 ёшли Салим бобонинг ортидан ўнлаб хотин-халаж, бола-бақралар эргашиди. Аҳвол нимадалигини тўлиқ тушуниб етмаган, кўзларида хайрат аралаш дахшат қотиб қолган оломон икки соатга яқин совуқда дайдираб кишлоқ кезишди. Ниҳоят, кишлоқнинг

катнашаётган отасидан қоракат келди. Шу етти кун ичида эса Чумчуқлидан ўн яшар қизчани бўри тортиб кетгани ҳақида овоз тарқалди”.

Ушбу жумалар яқиндагина чоп этишга топширилган “Бўри йили” воқеий киссасидан олинган бўлиб, уни муаллиф Ургутнинг турли бурчакларидаги кишлоқ кексаларидан эшитиб йиққан. Бу маълумотларда халиги мавжудотнинг ташқи бурчакларидан кўриниши бир тусда, яъни итга қараганда йирик,

кишлоқ яқинига ташлаб кетаверган ва иккинчи бор ўша жасаднинг олдига қайтиб келмаган. Иш жиддийлашиб кетганини кўрган ҳокимият раҳбарлари томонидан бўрини овлаш мақсадида кишлоқларда қуролланган одамлар қўйилган. Улар милтиқни нишонга тираганларича масжиднинг томларида қанча-қанча тунларни уйқусиз ва бесама қутиш билан ўтказганлар. Бўрини овлаган одамга катта мукофотлар ваъда қилинган, бир неча йил беармон даврон сурган

сўнг ўрнидан секин турди-да, томдан сакраб тушиб қоронғилик ичида кўздан йўқолди. Шу бир неча дақиқа менга аспардай узун, ҳаёлимда норасида қизчаларимни бўри оркалаб кетмокчидай туюлди. Ҳайтовур у рўза экан, бирортамизга заҳмат етказмади”.

Ўтган йилнинг ҳайтида вафот қилган Рашид амаким ҳам менга бўри ҳақида жуда кўп хотираларини сўзлаб берган. Унинг айтишича, болалигида боши аралаш кўзидан бўри тишлаб кетган Мавлон ака ҳозир қўшни Панжакентда яшар экан. Шунингдек, махлукнинг мудҳиш тишларининг изи баданида қолган, бахтли тасодифлар туфайлигина омон қолган одамларни анча-мунча учратиш мумкин, ханузгача.

Дарвоқе, бўрининг рўза тутиши ҳақида. Бу бўйсунмас йиртқиқларнинг руҳиятини чуқур ўрганган зоолог олим Г. Брэмнинг тадқиқотларига қўра озодликдаги бўрилар чиндан ҳам йилнинг маълум вақтларида озик мўл бўлишига ҳам қарамадан ўзларини оч сақлаб, ўлжаларини бесамар қурбон қилганда тиёлишар экан. Аммо, бунинг сабаби нимадалигини ҳеч ким билмайди. Балки, Оллоҳнинг махлуқи бўлган бу жондорлар ҳам ўзига қон рўза тутиб яратганга шўқрона айтишар?

Аммо, нима учун мазкур бўрининг бўйида шерниқига ўхшаган узун ва улғувор қуриниши кўк-яшил тусда товланувчи ели бор? Маълумки, бизнинг жайдари бўрилар шердан қўра итга кўпроқ ўхшайди, яъни елсиз бўлади. Адабиётларни чуқурроқ титқилаб кўриш натижасида бу урушдан аввал зоопаркка келтирилиб, қандайдир тасодиф орқали озодликка чиққан Канада бўриси бўлса керак, деган халғга бордим. Канада бўрилари бизнинг бўрилардан катта ва қучли, нисбатан тажовузкор бўлиб, табиий шароитда баъзиларнинг ели ергача тегиб турар экан.

Аммо, нима учун бу бўри одамхўрлик билан шугулланди? Рабўзунининг “Киссасул-анбие”сида келтирилишича, Нух алайҳиссаломнинг кемасини сиққон тешиб ичига сув қира бошлагач, илон тешиқни беркитиш эвазига пайғамбардан энг тоғли гўшти тилаган экан. Шунда пайғамбар чивинни “қайси жониворнинг гўшти тоғли эканлигини билиб келишни буюрибди. Чивин қайтиб келатганида қалдирғоч тўхтатиб “кимнинг эти тоғли экан”, — деса, “одамники” деб жавоб берган ва қалдирғоч унинг тилини озик олган. Шундан сўнг чивин гапирга олмай қолган, унинг ўрнига қалдирғоч “бақанинг эти тоғлик экан” деб жавоб берган ва бака илоннинг емишига айланаб қолган экан.

Киссадан хисса шуки, одам этини бир марта тоғиб кўрган йиртқиқ энди ўзга жониворларнинг гўшти билан қониқмай қолади. Бошқа махлукларнинг гўшти тикилиб етганига қарамай одамхўрлик — қанибализм билан шугулланувчи қабилаларнинг ханузгача ер юзюда мавжудлиги ҳам сўзимизнинг яққол далилларидир.

Орадан йиллар ўтди, фашист кузгунларига қўшилиб одамхўр бўри ҳам марҳум бўлди, қўша-қўша мехнат у заҳмати бошидан кечирган ҳокисор халқимиз қаддини тиклади. Унинг бошидан қанча-қанча фалокатлар ўтди, у барини кўрди, у барчасига гувоҳ. Энди у қўша-қўша бахт ва давлатни ҳам қўришга, бошидан кечиршига ҳақлидир.

Алижон ЗОҲИДИЙ

ОДАМХҲР БҮРИНИНГ ҚИСМАТИ

Бешөгоча қараган

четида адирларга туташиб кетган қабрлардек дўппайиб турган тоқзор эгатида бир нарса қорайиб кўринди. Унга эҳтиёткорона яқинлашган гуруҳ ахлининг кўзлари қинидан чикиб кетай деди. Боланинг қон сачраган чуваққина юзи оппоқ, кўзлари гайритабиий равишда катта очилган, бўйни, қорни ва кўкраги гажиб ташланган, жулдур кийимларининг йиртиқлари сочилиб етарди. Атроф эса итликка қараганда хийла катта излар билан тўлиб тошган эди. Жарқишлоқ билан Қуйқишлоқ орасидаги адирда чоғроққина мазорот бўлиб, унга қўйилган боланинг жанозасидан етти кун ўтгач Новгород вилоятининг Старорусов туманида урушда



махлук то Ургут тоғларида бир-овчи томонидан ўз итиҳосини топмагунича одамларга адалдас зулм ўтказган.

“Уруш даври эди, бир кун и уйда оч ўтирган ука ва сингилларимга тут тегиб келиш мақсадида кишлоқнинг кунчиқаш тарафидан Катортутга бордим”, — ҳикоя қилади дадам. “Марварид тутлардан тўйиб еб, қалпогимни тўлдирётган маҳалим пастдан гурсиллаган қадом товушлари эшитилди. Энгашиб қарадим-у тутдан йиқилиб тушишимга бир баҳа қолди. Қуппа-қундуз маҳали ҳеч вақодан хайикмасдан, улкан бир кўк елли махлук тўқайзор томонга ўтиб борарди. Ҳар ҳафтада бир-икки одамнинг жонига зомин бўлатган бўри шу эканлигини ич-ичимдан ҳис этиб, нафас олишга ҳам ҳолим қолмади. Қўрқувнинг зўридан бир кеча-қундуз дарахтнинг устида қолиб кетганман”.

“Кишлоғимизда мактаб йўқлиги учун 4-5 чақирим наридаги Жартепага ўқишга қатнар эдик”, — хотиралар уммонига чўмади онам”. Бир кун и дуноналарим билан кишлоқнинг Равот гузаридан чиққач, кишлоқни қок иккига бўлиб ўтган Жангарик анҳори кўпригидан ўтаётиб унга кўзимиз тушди. Кунчиқар томондан қунондай елиб келган бу дахшатли махлукнинг қадамларидан гурсиллаган товуш эшитилар эди. У бир сакраш билан улкан анҳорнинг ўртасига тушди ва тезгина сузиб ўтиб, Ўзунқишлоқ томонга гойиб бўлди. Қўрқувнинг зўридан тилимиз қалимага келмай қолган, шу куннинг ўзидаёқ лабларимиз учуққа тўлган эди... Мактаб мого бошидан ўтган воқеани шундай эслайди: Ана шундай пайтлари сомон билан сувок қилинган томларнинг устига чиқиб ухлар эдик. Бир кеча бевак етим қолган тўртта ёш қизим ва қариндошимнинг қизчаси билан томга чиқибмиз-у, нарвоони юқорига тортиб олиш едимиздан чиқиб, ухлаб қолибмиз. Бир маҳал кишлоқ итларининг жон ҳолатда увиллашларини эшитиб уйғониб кетдим ва юрагим ерилаб кетай деди. Шундоққина бошимизда улкан елдор махлук чўнкайиб ўтирар. Томга боғлаб қўйган эчкимиз эса ўзини кўрага жой тополмай иригишлар эди. То қўшнимиз Мамашуқор бобо милтигини ванангламагунича бўри унсиз ва ҳаракатсиз ўтирди,

Тасодифлар занжири

АҚШ Президентлари А. Линколн ва Ж. Кеннедиларнинг ўлдирилиши билан боғлиқ мақолалар газеталарда кўп эълон қилинган. Биз эътиборни қаратган нарса уларнинг қисматидаги гаройиб ўхшашликлардир. Президент Линколн ҳам, Президент Кеннеди ҳам инсон ҳуқуқлари қонунини ҳимоя қилишган. Линколн 1860, Кеннеди 1960 йилда БМТга сайланган.

Ҳар иккиси ҳам жума кун рафиқалари ерларнда ўлдирилганлар. Иккиси ҳам орқа томонидан ва бошларидан ўқ сийшган. Иккисининг ҳам ердამчиси исми Жонсондир. Ҳар икки ердამчи ҳам сенатор эди.

Андрес Жонсон 1808, Линдон Жонсон 1908 йилда туғилганлар. Линколннинг қотили Жон Вилкес Буз 1839 йилда, Кеннедининг қотили Ли Харвей Освалд 1939 йилда туғилган.

Ҳар икки қотил жанублик бўлиб, яширин ташкилот аъзоларидан бўлган.

Ҳар икки қотил ҳам маҳкама олдига чиқмасдан ўлдирилган.

Ҳар икки Президентнинг рафиқалари ҳам суққасдан бир қанча вақт илгари Оқ

уйда фарзандини йўқотишган. Линколн секретарининг исми Кеннеди эди ва Президентга театрга бормаслиқни маслаҳат берган.

Кеннеди секретарининг исми Линколн бўлиб, Президентга Далласга кетмаслиқни маслаҳат берган.

Жон Вилкес Буз Линколнга театрга ўқ узган ва омборга қочган.

Ли Харвей Освалд Кеннедига омборда ўқ узиб, сўнг театрга қочган. Линколн ва Кеннеди исмлари (инглиз езуви бўйича) етти ҳарфдан иборатдир (Lincoln — Kennedy). Андрес Жонсон ва Линдон Жонсон исмлари ўн уч ҳарфдан иборатдир (Andrew Johnson — Lyndon Johnson).

Жон Вилкес Буз ва Ли Харвей Освалд исмлари ўн беш ҳарфин ташкил қилади (John Wjlkes Booth — Lee Harwey Oswald).

Ўхшашликлар жиддий, жуда гаройиб ва ҳайрон қоладиган бир даражада эмасми? Нима сабабдан? Бу ўхшашликлар тадқиқот қилинса, эҳтимол сабаби ойдинлашар.

Туркчадан Довур ТУРОН таржимаси



— Моҳи́ра опа, суҳбатимиз бошида ҳозир қандай қўшиқлар устида ишлаётганингиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз...

— Янги қўшиқларим мавзуси аввало ватанимизга бўлган муҳаббат, садоқат хусусида, ҳамда ўлмас инсоний туйғулар, ҳар доим ҳофизлар оғзидан кўймайдиган ишқ-муҳаббат ҳақида бўлаётти. Жанрига кўра, ҳар хил: мақом йўлида ҳам, эстрада, лирик қўшиқлар соҳасида ҳам ижод қилаялман.

— Мана ҳозир, Ўзбекистон Теле-радиокомпанияси қошидаги мақомчилар ансамблида ишлаяпсиз. Айтишчи, бу ансамблда ўз иқтидорингизни тўла-тўқис намоён қилиш учун имконият етарли, деб ўйлаясизми?

— Етарли. Бу ерда муҳими, мақом бор. Мақом жуда-жуда буюк нарса. Шунинг учун ҳам асрлардан асрларга ўтиб келаяпти. Халқ тилидан, дилидан тушмаяпти. Манов, бугунги кунда кўпайиб бораётган энгил-елли қўшиқлар бунчалик узоқ яшага қодир эмас. Улар узоғи билан бир-икки йил яшайди, холос. Мақомда яна бир нарса борки, берилиб, бутун борлигинг билан куйлашинг мумкин. Мақомда даромад бор, авж бор, катта авж... Ҳозирги қўшиқларни эса, бир меъёрга, бир нафасда айтиб кўйса бўлади.

— Қўшиқни тинглай олиш маданияти... Бу ҳақда нима дейсиз?

— Нафақат қўшиқни маромига етказиб куйлаш, балки маромига етказиб куйланган қўшиқни тинглай олиш ҳам санъат. Қўшиқ тинглашга ҳам жиддий иш сифатида қараш лозим. Қўшиқнинг сўзи, куйи, ижроси — уч дунё. Тинглай олиш қобилиятига эга одам бу дунёлардан кўп нарса олиши мумкин.

Ҳаммаси шундан бошланди. Биздан ҳаптолик ўтди. Эсингизда бўлса, газетимизнинг шу йил 39-сонида берилган "ББ" муסיқа биринчилигида "Мен Шоҳсанам" қўшиғи бошқа қўшиқчи номи билан чоп этилди. Оқибатда, "Мен Шоҳсанам" ашуласининг чин муаллифи, севишли қўшиқчимиз Моҳи́ра Асадова олдида ҳам, сиз азият муштарийлар олдида ҳам ҳижолатда қолдик "Этилган бошни қилич кесмас", дейдилар. Узр баҳона, хонанда билан жазоли сўҳбат қурмоққа жазм этдик. Шукр, Моҳи́ра оланинг тоза кўнгли, соф ниятлилиги орага тушган ҳижолатпазликни кўтарди.

Шу ўринда, Моҳи́ра АСАДОВАни сиртдан яхши танийдиган, қўшиқларини севиб тинглайдиган мухлислари учун икки оғиз хонанда сувартига чизги берсак. Донолар айтдики, табиат аёлга шундай дейди: уодасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг жозибали бўл, аммо оқила бўлишинг шарт. Бу аёл табиатнинг ҳар учала шартини ҳам тўла-тўқис бажарган, десак, бир оғиз таъриф бўлурди. Иккиламчи, унинг характерида мудойимликка қориган, ижобий маънода ўзгарлик бордай. Бу деганимизки, бир ишни бошладикми, албатта охирига етказилади...

Юлдузлар меҳмонхонаси

монга боқ" дейишади. Мен ижро этган мумтоз қўшиқларнинг мухлисларидан, ҳақиқий мухлисларимдан узр сўрайман. Мен ҳам замона зайлига қараб иш тутдим — "Мен Шоҳсанам"ни ижро этдим. Бу қўшиқни ўзим қўшиқ деб билмайман. Аммо, халқ шунақа қўшиқларни сўраб турибди-да. "Мен Шоҳсанам" жуда оммавий бўлиб кетди. Менга мақом ва лирик қўшиқларимдан кўра кўпроқ шуҳрат келтирди. Кўчаларда кўп бор эшитаман. Одамлар мени кўрсатиб, ўзаро пичирлашади: "ана "Шоҳсанам"ни айтган киз", "ана "Шоҳсанам"ни айтган...". Лекин, мен бундан хурсанд бўлаётганим йўқ. Шу қўшиқ-ки, шунчалик оммавийлашиб кетдимми, бу тингловчилар савиясининг даражасини кўрсатади.

га нима сабаб бўлди!

— Мақомчилар ансамблига аввалдан таклиф қилиб юришарди. Бироқ, раҳматли Ғанижон ака қўймадилар. Ўзим ҳам шу устозимга боғланиб қолгандим. У киши оламдан ўтиб кетди. Бу қўшиқни кўрсатиб, ўзаро пичирлашади: "ана "Шоҳсанам"ни айтган киз", "ана "Шоҳсанам"ни айтган...". Лекин, мен бундан хурсанд бўлаётганим йўқ. Шу қўшиқ-ки, шунчалик оммавийлашиб кетдимми, бу тингловчилар савиясининг даражасини кўрсатади.

— Ҳаётда ҳар кимнинг яшаш фалсафаси бўлади. Сизнинг фалсафанингиз қандай?

— Онам раҳматли бир гапни кўп қайтарардилар. "Ҳамиша ҳавас билан яшагин", дердилар. Онамнинг шу ўғити менинг мақсадимга айланиб улгурган. Ҳамиша яхшиларга ҳавас билан яшайман.

— Моҳи́ра опа, яқун топаётган ушбу йилимиз сиз учун қандай кеч-

ҲАВАС БИЛАН ЯШАЙМАН

Халқимиз азалдан "санойи нафиса" дея қўшиқни улуғлаб келган. Бундай олиб қараганда, ҳаётдаги ҳар бир нарса ҳам охир-оқибат қўшиққа келиб тақалади. Қўшиқсиз инсон умри кемтик бўлса керак, деб ўйлайман. Қайси соҳада ишламасин, инсон барибир қўшиқ эшитишга муҳтож бўлади. Ҳар ким ўз дунёсидан келиб чиққан ҳолда турли савиядаги қўшиқларни тинглайди.

— Моҳи́ра опа, юқорида мақом ҳақида айтиб ўтдингиз, турли савиядаги қўшиқларни тинглайдиган тингловчилар ҳақида гапирдингиз. Шу ўринда, бугунги асосий тингловчилар кўпинча ғарб оҳангларида айтилаётган энгил-елли қўшиқлар томонга оғиб кетаётганини, мумтоз қўшиқларни кам эшитаётганини қандай изоҳлайсиз? Бизда мақом қўшиқлари маромига етказиб айтилмаётгани, ё ғарб оҳангларининг оҳанграбоси борми ёки баъзи тингловчиларнинг савияси пастми?..

— Менимча, учинчи тахминингиз ҳақиқатга яқинроқ. Мақомни маромига етказиб, керак бўлса ўтказиб айта оладиган овози кучли ҳофизлар кўп. Мақомни куйлаш ҳам, тинглаш ҳам оғир. Бунга биз-ку, чидам топармиз, аммо, айрим тингловчиларимиз чидам топа олмаётимиз, деб ўйлайман.

— Эстрада йўлида "Мен Шоҳсанам" қўшиғингизни айтишга нима туртки бўлди?

— "Замон сенга боқмаса, сен за-

Барибир бу қўшиқларнинг умри қисқа. Юқоридаги қўшиқни ҳам нари борса уч йил ижро этарман. Кейин ҳеч ким эшитмайди. Бу соҳада куйладигим, тинмай янги нарсалар айтиб туриш керак. Мен ҳам беш-олтита янги қўшиқлар тайёрлаб қўйдим.

— Ҳаётингиз, ижодингиз ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз...

— Тошкентликман. Санъатга қизиқишим болалигимдан бор эди. Онам раҳматли бу қизиқишни кўриб 2-синфда ўқиб юрганимдаёқ (1975 йил) Чилонзордаги 6-муסיқа мактабига рубоб курси бўйича ўқишга бергандилар. 1979 йилдан, ўша пайтда Маданият уюнда Абдусамат Илёсов раҳбарлигида дуторчилар ансамбли бўларди, шу ансамблга қатнаш бошладим. 1980 йили муסיқа мактабини тамомладим. 1981 йилда ҳали паспорт ҳам олмай туриб, дуторчи қизлар ансамблида иш фаолиятини бошлагандим. У ерда шу йилнинг август ойига қадар ишладим. Ҳозир кўриб турганингиздек, Юнус Ражабий номли мақомчилар ансамблидаман.

— Моҳи́ра опа, асосий иш фаолиятингиз дуторчи қизлар ансамблида кечган экан. У ердан кетишингиз-

ди!

— Бу йил менга жуда катта бахт ато этди — муқаддас Ҳаж сафарига бориб келишга муяссар бўлдим. Маккаи Мукаррама таассуротлари, Қабатуллоҳни етти марта айланганларим бир умр эсимдан чиқмайди. Оллоҳга минг қатла шукри, шу ёшимда ҳар бир муслиму муслимага ҳам фарз, ҳам қарз бўлган Ҳаж зиярати менга насиб этди. Айнан шунинг учун ҳам ўтаётган йилимдан розиман.

— Қандай режалар, ниятлар билан яшаяпсиз?

— Худо хоҳласа, келгуси йили бирор санъат саройида биринчи марта яқка қолдаги концерт дастурини намоиш қилиш режа бор. Амалга охса, мен учун катта бир синов бўларди. Қанча мухлисим борлигини, уларнинг талабини, улар учун қанақа қўшиқ айтишим лозимлигини, барча-барчасини аниқлаб олардим. Бундан ташқари, янги қўшиқлар устида ишлаш мақсадим ҳам бор, албатта.

Бутун ниятим, тилагим кўзимнинг оқу-қораси, ўғлим Ёркиножон, унинг келажиги. Илоҳ, ҳаёти ҳам ёрқин бўлсин. Ўқиб илмли, зиёли одам бўлсин. Ҳозир беш ёшда. Лицей-боғчага берганман. Иқтидори яхши. Ўз она тилидан ташқари инглизчада ҳам анча бурро гапириб қолди. Худойим шу боламнинг келажигини кўришни насиб қилсин.

— Суҳбатингиз учун раҳмат! Ниятингизга етинг!

Суҳбатдош: Икром ИСКАНДАР

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБЎЙ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЁҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ,

Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг "Чинор" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар "Оила ва жамият"дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛҲОҶИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино. 3-қават

Телефон: 39-43-95

Рустам МИРАЗИМОВ навбатчилик қилди

Обуна индекси - 64654

Рўйхатга олиш №33

Буюртма №Г-1302. 19124 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.

Формати А-3, ҳажми, 2 босма табақ.

1 2 3 4 5 6